

Ой мавзуси “Ўзбекистон- менинг Ватаним”
Сентябр ойининг 4-хафтаси

Гуруҳ		Катта гуруҳ _____ (номи)					
Мавзу		Мен ва менинг дўстларим					
Давр		СЕНТЯБРЬ 4-хафта					
Ривожланиш соҳалари бўйича мақсад	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Формировать чувство коллективизма. Развитие мелкой и крупной моторики.					
	Ижтимоий – хиссий ривожланиш	Формирование духовно - нравственных качеств личности. Соотношение количество. Воспитывать коллективные навыки.					
	Ўтқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Совершенствовать умение высказывать и слушать высказывание собеседника. Развивать мышление, воображение, речь через игры.					
	Билиш жараёнини ривожланиши	Расширять знания детей в области бесконфликтного общения.					
	Ижодий ривожланиш	Формирование умения творить прекрасное в своей повседневной жизни через включение в процесс изобразительного деятельности имузыки.					
Ривожланиш марказлари		Ўқув-тарбиявий фаолият					
		Душанба	сешанба	чоршанба	пайшанба	жума	Ресурслар, изох
Фронтал машғулот							
Мустақил таълимий фаолият	Қуриш – яшаш ва математика	«Болалар боғчаси курамыз»	«Дўстинг учун самолёт яса»	«Қўғирчоқ дугонанг учун уй яса»		Қурилиш блоклари, лего ва мозайкалар	
	Сюжетли – ролли ўйинлар ва драммалаштириш	«Ота-оналар мажлисига борамиз»	«Дўстимнинг туғилган куни»			Никоблар, совғалар, кийимлар	
	Ўтқ ва тил	«Дўстлар ҳақида шеър ва ҳикоялар»	«У қандай дўст?» мавзусидаги расм тасвир қилиш ҳикоя.			«Тескариси» ўйини	Мазмунли расмлар
	Фан ва табиат маркази	«Нима учун биз хилма-хилмиз?» Соч ва тери ранглари дўстиники билан солиштириш	«Совун кўпиклари билан ўйнаш»			Расмлар, совун кўпиклари ва махсус идишлар	
	Санъат маркази	«Сехрли бармоқчалар» ёрмаларда бармоқ билан расм чизамиз	Жамоавий аппликация «Менинг дўстим»			Бумага, фотографии друзей, цветная бумага, крупы	
	Муסיқа ва ритм маркази	Релаксация «Ўтлоқда»	Нафас машқлари ва ҳаракатлар учун «Ўз топ ўйини		«Агар ҳаммани қўллади кўрсак»	Муסיкий марказ, нафас машқлари учун асбоблар, муסיкий диск ёки ёлғашка	

Сентябрь ойининг 4-ҳафтаси

Кўриш-яаш ва математика макркази

Мавзу: “Болалар боғчасини курамиз”

Мақсад: Боғчанинг жойлашган жойи, катта кичиклигини билади, шакллардан унумли фойданади, бинонинг мустаҳкам эканлигини билади, тўғри жойлашганини ўрганади, ҳар бир ишга ижодий ёндашади.

Керакли жиҳозлар: кубиклар, цилиндр, макет.

Фаолиятнинг бориши:

- 1.Макетни кузатиш
- 2.Боғча биносига ижодий ёндашиш.
3. Боғча яаш учун керакли жиҳозларни ажратиш
- 4.Вазифани бажариш
- 5.Болалар ишларини баҳолаш ва муҳокама қилиш.

Кушимча: Макет атрофини кушимча дарахт ва йулаклар билан безатиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Жиҳозларни тўғри фойдаланишига, жамоа бўлиб ишлашига

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драмалаштириш маркази

Мавзу: “Ота-оналар мажлиси”

Мақсад: Мажлис тушунчасига эга бўлади, ўзига берилан вазифани бажаради, нутқи ривожланади, ўртоқлари фикрини ҳурмат қиладиларни бажара олишга.

Керакли жиҳозлар: Стол, стуллар, қалам, қоғозлар, китоб.

Фаолиятни олиб борилиши:

1. Мажлис ҳақида болалар фикрини билиш.
2. Ролларга бўлишиш.
3. Вазифани бажариш.
4. Болалар иштирокини баҳолаш.
5. Мажлис давомидаги ота-оналарнинг фикрлари тинглаш

Кўшимча: Пассив болаларни ролларга жалб этиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Сўзларни ўринли ишлатишига, жамоада ўзини тутишига.

Тил ва нутқ маркази

Мавзу: “Биз дўстлармиз”

Мақсад: Дўстликнинг моҳиятини билади, расм асосида ҳикоя тузади, сўз боғловчи қўшимчалардан фойдаланади.

Керакли жиҳозлар: Сюжетли расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

- 1.Расмларни кузатиш.
- 2.Расмдаги болаларга исм топиш ва шу орқали болаларнинг нутқини ўстириш.
3. Ўз фикрларини баён этиш.
4. Ижодий ёндашиб ҳикоя тузадилар.
5. Бир-бирларини фикрларини тўлдирадилар

Кўшимча: Болалар ҳоҳишига кўра расмлар ҳажмини кўпайтириш, куннинг иккинчи қисмига ҳам режалаштириш, дўстлашиш тўғрисидаги мақолларни ёд олдириш.

Алоҳида эътибор қаратилади: ёнидаги дўсти фикрини тўғри этишишига, рангларнинг тўғри танлай олишига.

Илм фан ва табиат маркази

Мавзу: “Нима учун биз ҳар хилмиз?” соч ва териларни солиштириш

Мақсад: Диққатини жамлайди, ўз фикрини баён эта олади, нутқ бойлиги ошади, дўстларини соч ва тирноқларини фарқлайди.

Керакли жиҳозлар: Расмлар, ойна, сув.

Фаолиятнинг бориши:

1. Соч ва тирноқларнинг ҳар хиллигига аҳамият бериш.
2. Фаолиятга қизиққан болаларни ажратиш.
3. Ўзларининг дўстлари билан солиштириш.
4. Ўзаро фарқ ҳақида фикр алмашиш.
5. Болаларнинг саволларига жавоб бериш

Қўшимча: Тажрибани оила аъзолари ўртасида олиб боришни тавсия қилиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Болаларнинг мавзуни яхши ўзлаштирганига, болаларнинг фикрларини мустақил сўзлай олигига аҳамият бериш

Санъат маркази

Мавзу: «Сехрли бармоқчалар» катта ҳажмдаги суратлар

Мақсад: Болаларни ижодкорлик қобилияти ривожланади, майда кул моторикаси ривожланади.

Керакли жиҳозлар: Калам, коғоз, учирғич, намуна иши.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намунани кузатиш
2. Мавзу асосида расм чизади.
3. Уз ишини дўстларининг иши билан солиштириш.
4. Бир-бирлари билан фикр алмашиш.

Қўшимча: Чизган расмларни дўстларига совга қилиш таклиф қилинади.

Алоҳида эътибор қаратилади: рангларни тўқ-ри танлай олишига

Қуриш-ясаи ва математика маркази

Мавзу: Дўстим учун самолёт ясайман

Мақсад: Самолёт ҳақида тушунчага эга бўлади, Лего, мозайка ва пазллардан тугри фойдала олади, самолёт ясай олади, майда кул моторикаси ривожланади.

Керакли жиҳозлар: Самолёт расми, Лего, мозайкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Самолёт ҳақида болалар фикрини эшитиш
2. Намуна ишини кузатиш
3. Қуриш учун керакли жиҳозларни танлаш.
4. Самолёт қуриш, қуриш жараёнида ўртоқлари билан фикр алмашиш.
5. Ижодий ишнинг мустаҳкамлигини текшириш
6. Болалар ишларини баҳолаш

Қўшимча: Дўстлик ҳақида мақоллар ва самолёт ҳақида топишмоқлар ёд олдириш

Алоҳида эътибор қаратилади: Самолёт қуриш жараёнида керакли жиҳозлардан фойдалана олаётганига, дўстлари билан бирга ҳамкорликда ишлашига, ижодий ишини баҳолашда дўстларининг бикрини билишга

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драмалаштириш

Мавзу: “Дўстимнинг туғилган куни”

Мақсад: Болалар ўз туғилган кун саналарини билади, туғилган кун нишонлаш тўғрисида маълумотга эга бўлади, юқори кайфиятга эга бўлади, табриклай олишга ўрганади, жамоа бўлиб ишлашни ўрганади.

Керакли жиҳозлар: Ниқоблар, кийимлар, атрибутлар.

Фаолиятнинг бориши:

- Туғилган кун ҳақида маълумот бериш.
2. Ўзаро ролларни тақсимлаш.

3. Ўзларига бириктирилган ролларни бажаришга киришиш.

3. Ўзаро ролларини алмашиш.

4. Болалар иштирокини баҳолаш.

Кўшимча: Туғилган кун ҳақидаги кўшиқларни ёд олдириш

Алоҳида эътибор қаратилади: Болаларнинг кайфияти ўзгарганига, табриклашдаги сўзларни ўз ўрнида ишлатишга.

Тил ва нутқ

Мавзу: “У қандай дўст?” расм орқали суҳбат

Мақсад: Расмни кузатади, ижобий ва салбий образларни фарқлайди, ўз фикрини намоён этади, луғат бойлигидаги сўзлар кўпаяди.

Керакли жихозлар: Мавзу асосида расм.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни кузатиш.

2. Расмда тасвирланган воқеани идрок этиш.

3. Ўз шахсий фикрларини билдириш.

4. Ўртоқлари билан фикр алмашиш.

Кўшимча: Дўстлик ҳақида мақоллар ёдлаш, ҳар бир бола ўзининг яқин дўсти ҳақида қисқача гапириб бериши мумкин.

Алоҳида эътибор қаратилади: Болаларнинг ўзаро муносабатларига, ижобий ва салбий ҳолатларда ўз фикрларини билдира олишларига.

Илм фан ва табиат

Мавзу: “Совун кўпикчаларини ҳосил қилиш”

Мақсад: Совун ва сувни тежамкорлик билан ишлатади, сувнинг ҳаётдаги муҳим ўрнини билади, пуфаклар ҳосил қилишни билади, озода бўлиб ишлайди.

Керакли жихозлар: Суюқ совун, махсус купиртиргич, салфетка.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сув ва совунни кузатиш.

2. Махсус купиртиргич орқали купикчалар ҳосил қилиш.

3. Сувсиз ва сув билан купик чиқаришни фарқини куриш.

4. Совун кўпикларининг кўзга киргандаги ҳолати ҳақида маълумот бериш.

5. Болаларнинг кайфияти кўтариш.

Кўшимча: Болаларнинг ота-оналарига тажрибани уй шароитида ҳам бажариб кўришни тавсия қилиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Болаларнинг ўзаро бир-бирлари билан эҳтиёткорона ўйнашларига аҳамият бериш, гигиеник талабларга риоя қилиш.

Санъат маркази

Мавзу: «Менинг дустларим» жамоа иши, аппликация.

Мақсад: Дўстлик ҳақида тушунчага эша бўлади, қайчи ёрдамида шакллар кесиб олади, улардан одамчалар ясайди, жамоа бўлиб ахил ишлашга кўникма ҳосил бўлади.

Керакли жихозлар: оқ коғоз, рангли коғоз, елим, қайчи, дустларнинг фотосурати.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу асосидаги фотосуратни кузатиш.

2. Керакли жихозларни танлаб олиш.

3. Жамоа бўлиб ишлаш.

4. Ижодий ишни баҳолаш ва ўзаро фир алмашиш.

5. Ясалган дўстларига исм танлаш

Қўшимча: Дўстлик ҳақида мультфильм намойиш этиш

Алоҳида эътибор қаратилади: Болаларнинг майда кул моторикаси ривожланганлиги, кайчини тўғри фойдалана олиш малака кўникмасини эгаллагани

Қуриш-ясаш

Мавзу: Кугирчок дугонамга уйча курамиз

Мақсад: Кубик ва леголарни тугри жойлаштиради, катта ва кичкина шаклларнинг фарқини билади, фигураларни фарқлайди ва ўрнида ишлата олади.

Керакли жихозлар: Уйча расми, Лего ва кубиклар, кугирчоклар.

Фаолиятнинг бориши:

- 1.Мавзу ҳақида тушунча бериш
- 2.Уй қуришни таклиф этиш
- 3.Уйларнинг хато ва ютуқларини куриб чиқиш
4. Уйча қуриш учун керакли деталларни танлаш
- 5.Уйчаларни кугирчокларга совға қилиш

Қўшимча: Уйчани безатиш учун қўшимча деталлар қўшиш мумкин (дарахт, мошина)

Уйчани мустақкам ясаган болаларни рағбатлантириш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Майда кул моторикаси ривожланишига, қўғирчоқнинг катта кичиклигига қараб мос уйча ясалганига.

Тил ва нутқ

Мавзу: “Тескари” ўйин

Мақсад: Болалар расмни кузатиб хатоликларни фарқлайди, ўз фикрини билдира олишга ўрганади, идрок этади, мантиқан фикрлашни ўрганади.

Керакли жихозлар: Мавзуга доир сюжетли расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни кузатадилар.
2. Ўзаро муҳокама этадилар.
3. Расмлар орасидаги тескарилиқни аниқлайдилар.
4. Уларни тўғирлайди.
- 5.Расмларга таъриф берадилар.

Қўшимча: Ўз фикрини тўлиқ баён этган болаларни рағбатлантириш

Алоҳида эътибор қаратилади: Бола мантиқий фикрлай олишига, хатоликларни кўра билишига, ўз фикрини тўлиқ баён этиб, ўртоқларига ўз фикрини ўтказа олишига.